

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

Assalomu alaykum, azizlar!

BESHARIQ TONGI

*Beshariq tumani
hokimligining ijtimoiy-
siyosiy nashri*

Gazeta 1932 yil 15-maydan chiqqa boshlagan.

2025-YIL 19-APREL
SHANBA, №16 (9157)
(Bahosi kelishilgan narxda)

*Gazeta haftada
bir marta chiqadi*

БОСМА НАШРЛАР: ТАЖРИБА, МУАММО, ЕЧИМ

Аввал хабар берганимиздек, 2025 йил 11 апрель куни туманимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар билан танишиш мақсадида пресс-тур ҳамда «Босма нашрлар: тажриба, муаммо, ечим» мавзuida минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ва туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда республика Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Х. Салимов, вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари М. Сулаймонов, водий вилоятлари ҳудудий бошқармалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.



ТАҲРИРИЯТ ВА МУАССИС ҲАМКОРЛИГИНИНГ БЕШАРИҚ ТАЖРИБАСИ



Бешариқ туманининг ҳокими Расулжон Жўраев Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Хўш, ҳоким қандай хизматлар қилдики, уларни бу қадар эъзозлашмоқда?

Келаси – 2026 йилда Бешариқ тумани ташкил топганига юз йил тўлади. Ҳозир туманда 247 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Туман вилоят марказидан 130 км. узоқликда жойлашган – Тожикистон Республикаси билан чегарадош.

Бешариқда сўнгги йилларда барча соҳаларда ўсиш рўй берди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2020 йилдаги 622,6 млрд. сўмликдан 2024 йилда 1 триллион 442 миллиард сўмликка

ёки 229 фоизга ортди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми эса 2020 йилдаги 1 триллион 414 млрд. сўмликдан 2024 йилда 2 триллион 917 млрд. сўмликка ёки 201 фоизга ўсди.

Бешариқда ишлаб чиқарилаётган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 22 та мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Маҳсулот ҳажми ва сифати жиҳатидан мамлакатда етакчи бўлган цемент ишлаб чиқарувчи “Ясин қурилиш моллари” Ўзбекистон – Хитой корхонаси ҳам Бешариқда жойлашган. У 2024 йилнинг ўзига 1,1 млн. тонна юқори сифатли цемент етказиб берди. Корхонада 200 млн. доллардан зиёд хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, 600 та янги ишчи ўрни яратилди. Корхона ўтган йи-

ли 645 млрд. сўмлик товар айланмасига эришди.

Ўзбекистон паррандачилиги байроқдорларидан бири – “Водий насли парранда” фермер хўжалиги ҳам Бешариқда. Бу ерда 500 минг бош товۇқ боқилапти.

2024 йилда у халқ дастурхонига 58,4 миллион дона юқори сифатли тухум ва 100 тоннадан ортиқ парҳез гўшт етказиб берди.

Цехларга Европанинг энг илғор парранда боқиш ва тухум олиш технологияси келтирилиб ўрнатилган. 6 қаватли товۇқхона, аслида, бир неча юқори малакали мутахассис – операторлар бошқаради.

Давоми 2-бетда.

ТАҲРИРИЯТ ВА МУАССИС ҲАМКОРЛИГИНИНГ БЕШАРИҚ ТАЖРИБАСИ

Давоми. Боши 1-бетда



Туманда кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳам ривожланган. Шерзоджон Эрқабоев бошчилигидаги “SHERWOOD DIZAYN” МЧЖ мебелсозлик, металлургия ва темирчилик, қурилиш ва таълим тизимлари ҳамда тикувчилик соҳасидаги корхоналарида жами 650 дан зиёд ёшлар, аёллар ишламоқда. Улар томонидан ўтган йили 7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ёки “TRUST AGRO” мевани қайта ишлаш оилавий корхонасини олайлик. Жами 10 млрд. сўм банк кредити ва ўз маблағига лойиҳа амалга оширилди ва 50 та доимий, 200 та касаначи ҳамда мавсумий иш ўрни яратилди. Маҳсулот юз фоиз чет элга экспорт қилинади. Эътибор

қилинг, Бешариқдаги биргина шу оилавий корхона 2024 йилда 3 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилди.

Ёки Бешариқ тиббий туризми авж олиб ривожланмоқда. Туманда 37 та ихтисослашган тиббий даволаш клиникалари мавжуд. Улар замонавий тиббий жиҳозлар ҳамда юқори малакали шифокорларга эгаллиги учун ҳам водий ҳамда қўшни Тожикистон ва Қирғизистондан ҳам келиб даволанаётган беморларга хизмат кўрсатмоқда.

Хуллас, бундай муваффақиятли лойиҳаларни санаб адоғига етиш қийин.

Биз туманда пахтани қайта ишлаш корхонасидан ташқари иккита дон комбинатлари

борлиги, минг гектар майдонда қуёш панеллари ўрнатиб, муқобил энергия олиш, Тожикистон билан чегарада эркин халқаро бозор қурилаётгани, минг гектарли Сариққамиш кўли атрофида 15 млрд. сўм маблағ эвазига экотуризм тармоғи барпо этилаётгани ҳақидаги тафсилотларга тўхталмадик.

— Бешариқ туманида тадбиркорлик ҳам, қишлоқ хўжалиги ҳам шундай даражага етибдики, биз Наманган вилояти журналистлари улар ҳақида очерк ёзишга қарор қилдик, — дейди “Наманган ҳақиқати” газетаси бош муҳаррири Акрамжон Сатторов.

Йўқ, Фарғона вилояти ҳокими ва Ўзбекистон Журналистлар уюشمаси Бешариқ тумани ҳоқимини фахрий ёрлиқлар би-

яъни ўзи ишлаб топган соф фойда ҳисобидан эски бино ўрнида янги бинони қуриб ишга туширди.

— Газетачиликнинг нуфузи пайсанган, туман газеталари ёпилиб кетаётган бир пайтда “Бешариқ тонги” газетасининг бугунги фаолияти барча босма нашрларга ибрат бўла олади, — дейди “Янги Ўзбекистон” газетасининг Фарғона вилоятидаги муҳбири Расулжон Камолов. — Газета ўзи ишлаб топган даромад ҳисобидан ўзи учун янги бино қурган, моддий-техник базасини мустаҳкамлаган. Албатта, бундан ибрат олиш керак.

Ўзбекистон Журналистлар уюشمаси Фарғона вилояти бўлими Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари босма нашрлари муҳаррирлари учун “Бешариқ тонги” газетаси таҳри-

рининг матбуотга муносабатини кўрсатиб турибди, — дейди Акрамжон Сатторов. — “Бешариқ тонги” газетаси тажрибасидан ўрганадиган жиҳатларимиз кўп экан.

Шундан сўнг таҳририят ҳудудида “Журналистлар боғи”га асос солинди. Ўзбекистон Журналистлар уюشمаси ва водий вилоятлари етакчи босма нашрлари вакиллари бу ерда дарахт кўчатларини эқдилар.

Давра суҳбати, қизғин савол-жавоблар муассис — туман ҳоқимлигида давом этди. Бешариқ тумани ҳоқими Расулжон Жўраевга Ўзбекистон Журналистлар уюشمаси ва Фарғона вилояти ҳоқимлигининг фахрий ёрлиқлари тантанали равишда топширилди. Бундай эътироф, аввало, муассиснинг “Бешариқ тонги” газетаси таҳририятини



ҳар жиҳатдан ва узлуксиз қўллаб-қувватлаб, сўз, матбуот эркинлиги талабларига оғишмай риоя этиб келаётгани учун эди.

— Замон талабларидан келиб чиқиб, газетанинг электрон шаклини ишга тушираимиз. Ҳоқимлик ахборот хизматидаги медиа гуруҳни таҳририят билан бирлаштириб, видеоконтентларни кўпайтиришга урғу берамиз, — дейди туман ҳоқими.

Биргина Фарғона вилоятида Учкўприк, Бағдод, Олтиариқ каби туманлар ва Қўқон шаҳар ҳоқимлиги муассислигидаги газеталар чиқмай қолган бир пайтда Бешариқ тажрибасидан фойдаланиш жоиз эмасми?

**Муҳаммадjon Обидов,
Элёр Олимов (сурат),
ЎЗА муҳбирлари.**




лан юқоридаги ютуқлари учун тақдирламади.

Ҳар икки фахрий ёрлиқда ҳам “Ҳоқимлик муассислигидаги газета фаолиятини намунали йўлга қўйгани, муассислик мажбуриятларини тўлиқ адо этаётгани, “Бешариқ тонги” газетаси ходимлари ва тумандаги журналистларни доимо қўллаб қувватлаётгани учун” деган ёзувлар бор. Гап шундаки, Бешариқ тумани ҳоқимлиги муассислигидаги “Бешариқ тонги” газетаси сўнгги бир неча йиллардан буён 5-7 минг нусхада чоп этилади. Унинг саҳифаларидаги таҳлилий мақолаларни кутиб ўқийдиган ўз мухлислари шаклланган. “Меҳнат шўхрати” ордени соҳиби Собиржон Темиров бошчилигидаги аҳил ижодий жамоа муассис — туман ҳоқимлиги ҳамкорлигида фаолият кўрсатади. Газетада чоп этилган ҳар бир танқидий мақола “ҳоқимлик соати”да муҳокама қилинади ва тегишли чоралар кўрилади. Яна бир жиҳат шундаки, муассис билан келишилган ҳолда обунани таҳририятнинг ўзи ташкил этади. Ўтган 2024 йилда эса таҳририят обунадан,

риятига уюштирган медиатурда ҳамкасблар ўзаро тажриба алмашдилар.

— Ўзи кичик таҳририят, лекин шинам, ҳатто, муҳташам деса ҳам бўладиган янги бинога эга бўлибди туман газетаси. Бу туман ҳоқимлиги, Бешариқ аҳ-



ДЎСТЛИК СТЕЛЛАСИДА

Тадбир қатнашчилари, меҳмонлар шу куни Марказий Осиёдаги уч давлат — Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғиз-

истон Республикалари давлат чегаралари туташган ҳудудга ўрнатилган Дўстлик стелласини бориб кўришди.



КОРРУПЦИЯ – ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ САРАТОН

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар инсон қадрини улуғлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини рўйбга чиқариш, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фаровонлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

ГА ҚАРШИ КУРАШ – УМУММИЛЛИЙ БУРЧ

Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

Ислохотларнинг натижадорлиги эса жамиятда қонунийликнинг тўла таъминланиши, коррупциядан холи муҳит яратилишига бевосита боғлиқ. Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов, бу – коррупция.

Коррупция кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган, фақат бир мамлакатга хос қўсур эмас. Бу иллат барча давлат ва жамиятлар ҳаётига дахл қиладиган глобал ҳодисага айланган. Бинобарин, коррупциянинг олдини олиш ва унга буткул барҳам бериш барча давлатларнинг биринчи даражадаги вазифасидир.

Тараққиётимизнинг янги босқичида коррупцияга қарши курашишга жиддий киришилди. Ҳатто, коррупцияга қарши курашишга доир қонун ҳам бўлмаган бир шароитда Президентимиз бутун жамиятни бу иллатга қарши курашга сафарбар қилди.

Қисқа даврда ушбу йўналишда ҳуқуқий асослар ва аниқ тизим яратилди, барча ташкилий масалалар ҳал қилинди. 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат, хусусан, 5 та қонун, 30 дан ортиқ фармон ва қарор, 4 та давлат дастури қабул қилинди. Парламент палаталарида бевосита шу масала билан шугулланувчи махсус қўмиталар, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида доимий комиссиялар, барча идоралар ишини мувофиқлаштирувчи Миллий кенгаш, махсус ваколатли давлат органи – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Давлат бошқаруви тизими, давлат хизматлари кўрсатиш тартиб-таомиллари тубдан такомиллаштирилди. Барча давлат идораларининг очик ва шаффоф фаолият юритишига эришилди.

“Коррупциясиз соҳа”, “Коррупциясиз ҳудуд” лойиҳалари, “Комплаенс назорат”, “Жамоатчилик назорати” каби мутлақо янги механизмлар жорий этилгани ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ва очиклик борасидаги ишлари самардорлигини рейтинг баҳолаш, коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолаш тизимлари йўлга қўйилди.

Аҳамиятли жиҳати, коррупцияга қарши курашишга нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки барча вазирлик ва идоралар, кенг жамоатчилик тўлиқ жалб қилинди. Айниқса, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ўрни ва таъсири ортиб бораётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда коррупцияга қарши кураш умуммиллий ҳаракатга айланган. Натижалар қўлами ҳақида эса узоқ гапириш мумкин. Бунинг халқимиз ҳам, халқро ҳамжамят ҳам эътироф этмоқда.

Сўнгги эълон қилинган “Open data inventory” очик маълумотлар рейтингда Ўзбекистон 15 поғона кўтарилиб, жаҳон бўйича 30-ўринни, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади. Бироқ коррупцияга қарши кураш жараёни муайян вақт билан белгиланмайди, унга мurosасизлик муносабати доимий саъй-ҳаракатларни талаб қилади. Зеро, шиддатли ўзгаришлар асри бўлган ҳозирги даврда, афсуски, коррупциянинг янгидан янги кўринишлари, мураккаб схемалари пайдо бўлмоқда, географияси ҳам кенгаймоқда.

Биргина ўтган йилда коррупциявий қилмишлари учун 4906 мансабдор жавобгарликка тортилгани, улардан 2,3 триллион сўм зарар ундириб олингани ҳам ҳали муаммолар борлигини кўрсатмоқда.

Бу эса коррупциянинг фақат оқибат

ти билан курашиш эмас, унга имкон берган сабаб ва омилларни таг-томири билан йўқотадиган превентив чораларни кучайтириш лозимлигини англатади. Зотан, коррупцияга қарши миллий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга оширишдир.

Халқаро экспертлар фикрича, бу иллатни фақат қонунлар қабул қилиш ва жазо чораларини кучайтириш билангина бартараф этиб бўлмайди. Бунинг учун жамоатчилик назоратини кучайтириш ва жамиятнинг коррупцияга қарши маънавий иммунитетини ошириш ҳам зарур.

Шу нуқтаи назардан, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг жорий йил 5 март куни Президентимиз иштирокида бўлиб ўтган йиғилиши бу борадаги муҳим тарихий воқеа бўлди. Қолаверса, мазкур тадбир жаҳон миқёсида Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини яна бир бор кўрсатиб берди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг коррупцияга қарши курашиш бўйича илгари сурган ташаббуслари ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам замин яратди.

Албатта, давлат ва жамият ҳаётида қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда коррупцияга нисбатан мurosасиз муносабатни шакллантиришда прокуратура органлари олдида ҳам муҳим вазифалар қўйилди.

Шундан келиб чиқиб, прокуратура органларининг бу борадаги ишини қайта кўриб чиқдик. Алоҳида фармойиш қабул қилиб, прокуратура органларининг энг қуйидан юқоригача бўлган бутун тизимда кучайтирилган иш тартиби жорий қилдик.

Бу масалаларга барча даражадаги прокурорларнинг шахсан масъулиги ва жавобгарлигини белгиладик, Бош прокурор раҳбарлигида Мувофиқлаштирувчи штаб ҳам ташкил этилди.

Умуман, мазкур йиғилишда берилган кўрсатмаларга мувофиқ, давлат ва жамият ҳаётида юзага келаётган коррупциявий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш бўйича мутлақо янги тизимни йўлга қўйдик.

Биринчидан, бутун саъй-ҳаракатларимизни коррупциянинг оқибатлари билан курашишга эмас, аввало, чуқур ўрганиш ва таҳлиллар асосида уларни келтириб чиқараётган омилларни аниқлаш ҳамда таг-томири билан бартараф этишга, қисқаси, превентив чораларга йўналтирдик.

Шу мақсадда Бош прокуратуранинг раҳбар ходимлари ҳар бир вазирлик ва идора бўйича уларнинг энг қуйи бўғинини ҳам қамраб олган ҳолда аниқ ва манзилли чораларни назарда тутган алоҳида “йўл хариталари” ишлаб чиқилди.

Қисқа муддатда 10 дан ортиқ соҳада маиший ва тизимли коррупциявий омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича 20 га яқин аниқ таклифлар тайёрланди. Мисол учун, мамлакатда биргина 2024 йилда 3531 гектар ер талон-тарож қилингани, қишлоқ ҳўжалиги ерига 227,6 миллиард сўм зарар етказилгани аниқланди, бу ҳолатлар бўйича 1854 та жиноят иши қўзғатилган.

Ўтказилган таҳлилларда мазкур қонун бузилиши ҳолатларининг келиб

чиқишига аксарият ҳолларда коррупция аралашгани маълум бўлди. Шу боис, соҳадаги коррупциявий омилларни бартараф қилиш учун тегишли қарор лойиҳасини тайёрладик.

Унда барча ваколатли идораларни “Е-YER NAZORAT” дастурига интеграция қилиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ердан фойдаланиш ҳолатини ҳар йили икки маротаба инсон омилсиз аэрокосмик мониторингдан ўтказиш, аниқланган қонунбузарликлар юзасидан реал вақт режимида назорат идораларига маълумот юбориш тизимини жорий этиш таклиф қилинмоқда.

Бундан буён прокурорлар қонунчилик ижроси бўйича ўтказиладиган ҳар қандай назорат тадбирида тизимли қонунбузилишлар билан бирга коррупциявий омилларни ҳам аниқлаш ва бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратади.

Иккинчидан, миллий парламент ҳамда маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорлигимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, коррупция омилларини бартараф этиш ва бевосита раҳбарларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини оширишда кенгашлар имкониятидан кенг фойдаланишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Миллий парламентимиз билан ҳамкорликда коррупция кўп кузатилаётган соҳа ва ҳудудлар бўйича чуқур таҳлиллар ўтказиб, бевосита вазирлик ва идораларнинг ҳайъат йиғилишларида ҳамда Миллий кенгашда танқидий муҳокамалар ўтказиш тизимини йўлга қўйганмиз.

2024 йилнинг ўзида 10 дан ортиқ вазирлик ва идора, маҳаллий ҳокимликлар тизимида ўтказган таҳлилларимиз натижаси Миллий кенгашда кўриб чиқилиб, манзилли чора-тадбирлар ижрога қаратилди.

Шунингдек, назорат ва тергов фаолиятида аниқланаётган муаммолар ҳамда коррупциявий омилларни бартараф қилиш юзасидан парламент ва ҳукуматга 100 дан ортиқ ахборот ва норматив ҳужжат лойиҳаларини киритдик.

Коррупциявий жиноятлар аксарият ҳолларда маҳаллий даражада, яъни туман ва маҳалла миқёсида содир этилмоқда. Шу боис, парламент қўмиталари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда республика идоралараро ишчи гуруҳлари тузилиб, энг чекка маҳаллагача, ҳар бир соҳанинг қуйи бўғинигача тушиб, коррупциянинг илдиэларини аниқлаш ва бартараф этиш чораси кўрилмоқда.

Ишчи гуруҳлар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон ва Фарғона вилоятларида ўрганишлар амалга оширилиб, коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашлар йиғилиши ўтказилди ҳамда зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Учинчидан, кўп бора таъкидланганидек, коррупциянинг олдини олишнинг энг қўлай ва самарали йўлларида бири рақамлаштиришдир.

“Шаффоф қурилиш” тизими кўп-лаб бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш, қонунбузарликларни барвақт тўхтатишга имкон бермоқда.

Ўтган йили бу тизим орқали қурилиш лойиҳаларига 3,7 триллион сўм ортиқча киритилгани, шунингдек, 63 миллиард сўмлик сифатсиз ишлар ва 83 миллиард сўмлик қўшиб ёзиш ҳолатларини аниқлаб, талон-тарожнинг олдини олишга эришдик.

Ёқилғи-энергетика соҳасида жорий қилинган “Энергоназорат” тизими, “АСКУЭ” ва “АСКУГ” дастурларининг такомиллаштирилиши ҳам қонунийлигини таъминлаш, талон-та

рож омилларини аниқлашга хизмат қилмоқда.

2024 йили бу тизимлар орқали газ ва электр ўғирлиги билан боғлиқ кўп-лаб ҳолатлар ҳамда коррупциявий схемалар фош этилгани шундан далолат беради.

Умуман, бугунги хавф-хатарларга қарши самарали курашиш учун, аввало, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ишини замонга мос равишда ташкил қилиш, фаолиятга ахборот технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш тақозо қилинади. Шу боис, хорижий давлатлар, жумладан, Қатарнинг рақамлаштиришга доир ижобий тажрибасини бевосита жойида ўргандик.

Айниқса, ушбу мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятидаги замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект ютуқлари бизда катта қизиқиш уйғотди.

Ўрганиш натижалари асосида фаолиятимизни тўлиқ рақамлаштиришга доир ҳужжат лойиҳасини ҳам тайёрладик.

Тўртинчидан, ислохотлар доирасида мамлакатда қўлай бизнес ва инвестициявий муҳит яратиш, тадбиркор ва инвесторлар ҳуқуқларини кафолатли ҳимоялаш чоралари изчил кўриб боришмоқда.

Жиноятчиликдан холи, тинч ва осойишта масканда тадбиркорлик ривожланиши, инвесторлар ҳам сармоясини ана шундай хавфсиз ҳудудга киритади.

Прокуратура органлари бу масалага ҳар доим жиддий эътибор қаратиб келган.

Ўтган йили прокуратура органлари томонидан тадбиркорлар, жумладан, инвесторлар фаолиятига ноқонуний аралашув ва турли бюрократик тўсиқлар билан боғлиқ кўп-лаб ҳолатлар аниқланиб, бартараф этилгани, юзлаб субъектнинг бузилган ҳуқуқлари тиклаб берилгани ҳам шундан далолат.

Йиғилишда берилган топшириқлар асосида аҳоли ва тадбиркорлар, жумладан, инвесторларни коррупциявий тажовуэлардан ҳимоялаш, бундай хавф-хатарларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш тизимини янги механизмлар асосида тубдан такомиллаштирдик.

Хусусан, коррупциявий ҳолатларга зудлик билан муносабат билдириш мақсадида Бош прокуратурага тезкор хабар бериш имкониятига эга, туну кун ишлайдиган “**1161**” рақамли “**ишонч телефони**” ва “**@bpantikoruz_bot**” телеграм боти ишга туширилди.

Бу ҳақда аҳоли гавжум жойлар, жумладан, аэропорт, темир йўл ва автовокзаллар, реклама мониторларида махсус роликлар намойиш этилмоқда.

Қисқа муддатда, яъни 10-25 март кунлари мазкур тизим орқали 275 та ариза ва хабар қабул қилинди ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқилмоқда.

Бешинчидан, коррупцияга қарши курашишга оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ҳам қатор вазифалар олдимизга қўйилди.

Дарҳақиқат, қонунчиликдаги бушлиқларни бартараф этиш соҳалардаги тизимли муаммолар ечимига ҳуқуқий асос бўлади. Шу боис, Миллий кенгаш йиғилишида қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича белгилаб берилган аниқ йўналишларда хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда ишлар жадал бажарилмоқда.

Олтинчидан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу борадаги фаолиятимизни ҳам янги босқичга олиб чиқиш чора-

лари кўрилмоқда.

Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг “Виртуал академия” платформасида алоҳида дастурлар яратиб, ўқувчи ва талабаларни ўқитиш орқали коррупцияга қарши имунитетни ёшликдан шакллантиришга эътибор қаратилмоқда.

Прокуратура органлари томонидан аҳоли ва давлат хизматчиларида коррупцияга нисбатан мurosасиз муносабатни шакллантириш, уларга “ҳалоллик вакцинаси”ни сингдириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билим ва кўникмасини оширишга ҳам кундалик вазифа сифатида қаралмоқда.

Ушбу йўналишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида махсус ўқув дастурларини ташкил этиб, давлат хизматчиларини ўқитиш, малакаси ва маънавиятини ошириш тизимини йўлга қўйдик. Ушбу тизим асосида 95 мингдан ортиқ давлат хизматчиси ўқитилди.

Еттинчидан, коррупциявий омилларга ташхис қўйишда илмий-амалий ёндашув муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида илмий мактаб пойдевори яратилган, жумладан, коррупция муаммоларини тадқиқ қилиш бўйича алоҳида илмий марказ, магистратура йўналиши ҳамда илмий кенгаш фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, қатарлик ҳамкорларимиз билан Коррупция муаммолари тадқиқот маркази ташкил қилинмоқда.

Яна бир масала. Қилинган ишларни жамоатчиликка етказиш, умуман, фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари асосида ишимизни янада самарали ташкил қилиш чораларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Шу мақсадда “Жамиятимизни коррупциядан биргаликда халос этайлик!” шиори остида 33 банддан иборат медиа-режа ишлаб чиқиб, ижрога қаратдик. Жорий йил 25 март куни Бош прокурорнинг мамлакатимиз аҳолисига мурожаати ҳам эълон қилинди.

Умуман олганда, бундан буён барча куч ва воситаларимиз коррупцияга қарши курашишга тўлиқ сафарбар қилинади.

Бу борада давлат ва нодавлат тузилмалари, ҳокимликлар, кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорлики янги босқичга олиб чиқамиз, жамиятнинг барча қатлами салоҳиятини бирлаштириш йўлидан борамиз. Жамиятда коррупцияга қарши мurosасизлик муҳитини шакллантириш чораларини кўрамыз.

Албатта, бу вазифаларни билимли, ташаббускор, садоқатли ва бугунги ислохотлар натижаларига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган ходимлар корпуси билангина самарали амалга ошириш мумкин. Шу боис, ходимларимизнинг билими, дунёқарашини, онгу тафаккурини ривожлантириш, маънавиятини юксалтириш ишларини изчил давом эттирамыз.

Мамлакатимизда жиноятчилик ва коррупциянинг олдини олиш, умуман, барча соҳаларда қонунийлигини таъминлашда биз — прокуратура ходимлари, энг аввало, халқимизнинг хайрихоҳлиги, ҳамжиҳатлиги ва кўмагига таянамыз.

Агар ҳар бир фуқаро жонажон ватанимизни жиноятдан, коррупциядан холи, тинч ва хавфсиз ўлкага айлантиришга ўз ҳиссасини қўшса, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, биргаликда курашсак, кўзланган мақсадга, албатта, эришамиз.

“Янги Ўзбекистон” газетасининг 2025 йил 9 апрель, 72-сонидан олинди.

МУШОИРА

АДАБИЁТ БОРКИ,
МИЛЛАТ БАРҲАЁТ

Бешкапа қишлоғидаги 13-мактабда «Адабиёт борки, миллат барҳаёт» мавзuida адабий учрашув-мушоира ўтказилди.



Ижод аҳли жам бўлган тадбирда таниқли шоир ва ёзувчилар, таълим пешқадамлари, ўқитувчи ва ўқувчилар, китобхонлар ҳозир бўлишди.

Қалби эзгу ҳисларга тўла ижодкорлар тўпланган тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари Дилшода Эргашева, қувалик таниқли шоира Зухра Алиева, адиба Гулчеҳра Асронова, болалар ёзувчиси Қобилжон Шерматов, бешариқлик ижодкорлар – Сиддиқ Али, Ғайрат Мухаммад, Хуршид Карим, Мухайё Алиева, Муқаддас Аҳмаджонова, Ўрмонжон Холйигитов, Мали-

ка Отажоновна, данғаралик Анорхон Шомирзаева, Фурқат туманидан Умида Абдусаломова ва бошқалар томонидан ўқилган дилтортар шеърлар, болалар адабиётига доир викториналар, мактаб ўқувчилари тайёрлаган концерт дастуридан барча баҳраманд бўлди.

Ижодкорлар келгусида шундай ижодий учрашувларни турли ҳудудларда мунтазам равишда ўтказиб боришга келишиб олишди.

(Ўз мухбиримиздан).

СУРАТДА: мушоира жараёнидан.

КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИ

Бугунги глобаллашув ва рақамли технологиялар асрида инсон тафаккурини бойитувчи, маънавиятини юксалтирувчи энг асосий манбалардан бири, бу – китобдир.

КИТОБХОН БЎЛАЙЛИК



Юртимизда китобхонлик маданиятини ошириш, ёш авлодни китобга дўст қилиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда ҳар йили республикаимизда «Китобхонлик ҳафталиги» тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Бу йилги ҳафталик 21 апрелдан 26 апрелга қадар ўтказилди.

Ҳафталик доирасида турли ёшдаги китобхонлар учун қизиқарли учрашувлар, китоб тақдимотлари, адабий викториналар, ижодкорлар билан мулоқотлар, кўргазмалар ва бошқа маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиши режа-

лаштирилган.

Китоб ўқиш - ҳаётимизни бойитувчи, фикримизни кенгайтирувчи ва руҳимизни озиқлантирувчи жараён.

Ҳурматли китобхонлар ва туманимиз аҳли!

Сизни ушбу ҳафталик тадбирларида фаол иштирок этишга, ўзингизга манзур бўлган китоблар билан ўртоқлашишга ҳамда яқинларингизни китоб мутоласига даъват этишга чорлаймиз.

Келинг, биргаликда китобхон бўлайлик!

Ж. НОРМАТОВ,
туман ахборот-кутубхона
маркази директори.

Санъат ҳаётнинг
акси, аслида.

Гап ижодкор уни
қандай англашида.
Айниқса, тасвирий
санъатнинг
карикатура жанри
ғоят мураккаб ва
рассомдан нафақат
ранг-тасвир, балки
иқтисодий, сиёсий,
ҳатто, ахлоқий
чуқур билим талаб
қилади.



ТАНИҚЛИ РАССОМ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

Маҳмуджон Эшонқуловни таништиришга ҳолат йўқ. У дастлаб «Муштум» журналида ўзининг ижтимоий карикатуралари билан тилга тушди. У, ўзи айтганидек, кўп ўқиди, изланди.

– Рассомчилик ҳақидаги китобларни ва бадиий адабиётни кўп ўқиганман. Шунинг ҳам таъсири бўлди, деб ўйлайман. Ҳатто, мактабга бормасимдан дадам обуна бўлган «Муштум» журнали уйимизга келарди, унинг расмларини қайта чизишга ҳаракат қилар эдим, – дейди карикатурачи рассом Маҳмуджон Эшонқулов.



дий ишларидан намуналар ва ўзи ҳақидаги маълумотлар эълон қилинган.

– Карикатура ва юмор фестиваллари, 2 мингдан ортиқ кўргазмаларда иштирок этганман, – дейди рассом. – Сербия ва Македонияда шахсий кўргазмам очилган. Юртим, Ўзбекистоним, Бешариқимни яхши кўраман. Бу ерда кўргазма очишимнинг сабаби ҳам шуки, ҳамқишлоқларим уни кўрсин, санъатга муҳаббат туғилсин.

Ҳа, «Дўстлик» ордени соҳиби, машҳур карикатурачи Маҳмуджон Эшонқуловнинг асарлари кўргазмаси бу гал у туғилиб ўсган Бешариқда бўлиб ўтмоқда. Қисқа вақт ичида уни ўн мингдан зиёд аҳоли, ёшлар ва санъат шинавандалари, ҳатто, бошқа вилоятлардан меҳмонлар келиб кўрдилар.

Мухаммаджон Обидов,
Элёр Олимов,
Муқимжон Қодиров
(сурат), ЎЗА



Бугун у Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси ва Дунё карикатурачи рассомлар иттифоқи (UWC)нинг аъзоси. Унинг карикатуралари Япония, Болгария, Сербия, Хитой, Италия, Польша, Туркия,

Корея, Кипр, Хорватия ва Бразилия каби мамлакатларнинг юмор ва карикатура музейларида сақланмоқда. Мингдан зиёд хорижий китоб ва альбомларда ҳамда Дунё карикатура энциклопедиясида унинг ижо-

БЕШАРИҚҚА БЕШ КЕТДИК

(Сафар таассуротлари)

Бешариқ – Беҳиштариқ,
Деганича бор экан.
Ҳар қадами боғ экан,
Ҳар йўли гулзор экан.
Бу Ватанга эл суйган,
Расулжон сардор экан.
Ўнг ёнида билимдон,
Отабекжон бор экан.
Табиати сўлим, соз,
Тоза, бегубор экан.
Тўртдан бири тадбиркор,
Беши санъаткор экан.
Моҳи шоирлар шунда,
Ишга моҳирлар шунда.
Меҳнат ила бахт топган,
Доно, топқирлар шунда.

Ҳар кўчада тадбиркор,
Ҳар уйда ишбилармон.
Шерзодбекдай ўғлонлар,
Юлдузга қўяр нарвон.
Паррандачи Боҳиржон,
Халқин қилар фаровон.
Элим, юртим деганнинг
Йўллари бўлсин равон.
«TRUST AGRO» қизлари,
Қўллари эпчил, чаққон.
Меваларин жаҳонга
Кўз-кўз қилар Раънохон.
Замон билан ҳамнафас
Бешариқлик ёронлар.
Ишлари беш, шул сабаб
Юракда йўқ армонлар.

Бешариқ – Беҳиштариқ,
Қурилмоқда янгидан.
Ҳаётлари акс этар
Ул «Бешариқ тонги» да.
Бешариққа беш кетдик,
Кўз тегмасин илоҳим,
Файзу барокат берсин
Шу Ватанга Аллоҳим.
Қувадан чиққан қуёш
Бешариқда ботади.
Ҳали неча мунаввар,
Порлоқ тонглар отади.

Зухра АЛИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.

MUASSIS:
BESHARIQ TUMANI
HOKIMLIGI
Tuman hokimligining rasmiy veb-
sayti www.beshariq.uz



Bosh muharrir
Sobirjon TEMIROV
Mas'ul navbatchi
Rahimjon MIRZAQULOV
Sahifalovchi
R. RAZZOQOV

Tahririyat manzili:
150301. Beshariq shahri,
Cho'pon ko'chasi, 22-uy.
beshariq.tongi@mail.ru
Telefonlar:
Muharrir: (73) 612-14-12
Hisobchi: (73) 612-14-13

Gazeta tahririyat kompyuterida
terilib, sahifalandi va «Zakovat
nashriyot uyi» MChJ bosmaxona-
sida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Kosonsoy
shahri, Cnorbog' ko'chasi - 17
Nashr ko'rsatkichi - 7577.

Gazeta O'zbekiston Respublika-
si Matbuot va axborot agentligining
Farg'ona viloyat hududiy boshqar-
masida 9. 01. 2007 yilda 12-021 raqami
bilan ro'yxatga olingan.
Bichimi: A-3. Adadi 4169
Buyurtma:
Topshirish vaqti: 14.00
Topshirildi: 15:00